

---

## **ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ ВАЗИФА**

**Ҳаммамизнинг олдимизда турган муҳим масала бу ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишдир. Чунки, ёшлар бизнинг келажагимиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ёшлар ўртасида турли хил иллатларни олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида салмоқли ишларни амалга оширилмоқда.**

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар халқимизнинг тинч ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч ва хотиржам яшашни ҳоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади.

Жамиятимизда барқарорликни сақлаш, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ички ишлар органларининг самарали фаолияти муҳим ўрин эгаллайди.

Бунинг натижасида ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасидаги роли тобора ошиб бормоқда. Энг муҳими, ички ишлар органлари ходимларининг халқ ичига кириб боришлари сезиларли даражада ўсиб бориши кузатилмоқда.

Бугун туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган туман прокурори Ш. Турдалиев, туман ИИБ бошлиғи З. Ғофуров иштирокидаги “Жиноятчиликка қарши курашиш” мавзусидаги йиғилишда, қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликни жиловлашда ҳар биримиз масъулият билан ёндошишимиз зарур, фаолият самарадорлигини ошириш, ҳудудларда жиноятчиликни жиловлаш, фуқаролар билан ишлашни кучайтириш асосий мақсадимиз бўлиши даркорлиги ҳақида сўз юритилди.

Аҳоли ўртасида ўтказилаётган ҳуқуқий тарғиботларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, доимий иш ўрнига эга бўлмаганларни касб-ҳунарга йўналтириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Бугунги йиғилишда профиликтика инспекторлари, тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, соҳага доир мутахассислар иштирок этишди.

**Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2022-01-27 14:53:53